

**ИПАКЧИЛИК ИЛМЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.36/30.01.2020.Qx.103.01  
РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**ИПАКЧИЛИК ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АҚИЛОВ УЛУҒБЕК ҲАКИМОВИЧ**

**ТУТ ИПАК ҚУРТИНИНГ ТОЗА САНОАТБОП ДУРАГАЙЛАРИНИ  
ЯРАТИШДА ПАРТЕНОГЕНЕТИК КЛОНЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНИШНИ АСОСЛАШ**

**06.02.04 - Ипакчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

**Ақилов Улуғбек Ҳақимович**

Тут ипак куртининг тоза саноатбоп дурагайларини яратишда партеногенетик  
клонлардан фойдаланишни асослаш.....3

**Ақилов Улуғбек Ҳақимович**

Обоснование использования партеногенетических клонов в создании чистых  
промышленных гибридов тутового шелкопряда.....23

**Aqilov Ulug`bek Khakimovich**

Justification of the use of parthenogenetic clones in the creation of pure industrial  
silkworm hybrids.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.36/30.01.2020.Qx.103.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АҚИЛОВ УЛУҒБЕК ҲАКИМОВИЧ**

**ТУТ ИПАК ҚУРТИНИНГ ТОЗА САНОАТБОП ДУРАГАЙЛАРИНИ  
ЯРАТИШДА ПАРТЕНОГЕНЕТИК КЛОНЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНИШНИ АСОСЛАШ**

**06.02.04 - Ипакчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Qx547 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.silkscience.uz](http://www.silkscience.uz)) ҳамда «Ziyounev» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounev.uz](http://www.ziyounev.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Якубов Аҳматжон Бакиевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:**

**Исмагуллыева Дилором Адилевна**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, к.и.х.

**Жумагулов Қаҳрамон Алиевич**  
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Қоракўлчилик ва чўл экологияси**  
илмий-тадқиқот институти


Диссертация химояси Ипакчилик илмий тадқиқот институти ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи PhD 36/30.01.2020.Qx.103.01 – рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «2» июнь соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 100055, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Ипакчи кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99871) 2498356; факс: (+99871) 2498213; e-mail: [uznfish@mail.ru](mailto:uznfish@mail.ru) Ипакчилик илмий тадқиқот институти маъмурий биноси, 3-қават, анжуманлар зали).


Диссертация билан Ипакчилик илмий тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида тақдирини мумкин (№ 01 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил 100055, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Ипакчи кўчаси, 1-уй. ИИТИ АРМ, 3-қават. Тел.: (99871) 249-82-13.

Диссертация автореферати 2021 йил «19» май куни тарқатилди.  
(2021 йил «19» май даги 1 рақамли реестр баённомаси).



  
**Б.У.Насириллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, к.х.ф.д., профессор

  
**С.Х.Хулжамитов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий бошқиб, к.х.ф.ф.д. (PhD)

  
**Д.А.Нематуллаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д.,  
каффа илмий ходим

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида тут ипак қуртининг юқори маҳсулдор зот ва дурагайларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатларида тут ипак қурти парваришланиб, 840-860 минг тонна пилла хом ашёси тайёрланади. «...дунё бўйича бир қути қуртдан олинадиган пилла ҳосилдорлиги ХХР да 80,0-85,0 кг, Ҳиндистонда 78,0-80,0 кг ни, пиллаларнинг калибри бўйича бир хиллик даражаси етакчи мамлакатларда 90,0 % ни ташкил этади»<sup>1</sup>. Ҳозирги кунда пилла ҳосилдорлигини ва бир хиллик даражасини оширишнинг инновацион технологиялари йўналишлари долзарб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳонда F<sub>1</sub> дурагай авлодларининг ҳаётчанлигини ҳамда пилла маҳсулдорлигини оширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда юқори гетерозисли саноат дурагайларини яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ипак саноати талабларига жавоб берадиган сифатли ипак толаси олиш ва дурагайлик даражаси 100 фоизга яқин зотлараро тоза дурагай уруғлар олиш ҳамда тут ипак қуртининг миқдор белгилари генетикаси ва амалий селекцияси жараёнларини янада интенсивлаштириш муҳим илмий аҳамият касб этмоқда.

Республикамызда пилла етиштирувчи ҳудудларимиз иқлим шароитидан ва ипак толасининг сифат кўрсаткичларига бўлган талабдан келиб чиқиб, турли зот ва дурагайлар яратиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Лекин, дурагай тухумларини тайёрлаш жараёнида тут ипак қуртини элита пиллаларини жинсларга ажратишдек мураккаб техник жараёни енгиллаштирувчи партеноклонлар, ҳамда улар иштирокида 100 фоиз F<sub>1</sub> саноатбоп дурагай комбинациялари яратишнинг генетик асосларини ишлаб чиқишга эътибор қаратилмаган.

Республикамызда сўнгги йилларда тўқимачилик саноатини сифатли хомашё билан таъминлаш учун ипакчилик тармоғини ривожлантириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга, айниқса юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш»<sup>2</sup>га алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 мартдаги ПҚ-2856-сон “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш ҳақида”ги ва 2018 йил 20 мартдаги ПҚ-3616-сон “Пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларида тут ипак қуртининг пилла ҳосилдорлигини

<sup>1</sup> [www.inserco.org](http://www.inserco.org)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони.

ошириш, унинг сифати ва ипак толаси кўрсаткичларини жаҳон ипак бозори талаблари даражасига етказиш ҳамда янги маҳаллий ипак курти зотлари ва дурагайларини бирламчи уруғчилигини ривожлантириш бўйича аниқ чора ва тадбирлар белгилаб берилган. Мазкур йўналишдаги соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертациянинг изланиш тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикасининг турли иқлим шароитлари учун дурагай комбинациялари яратиш, уруғлар сифат кўрсаткичларини оширишда ва тайёрлашда катта аҳамиятга эга бўлган жинси нишонланган зотлар, тизимлар яратиш борасида В.А.Струнников, Л.М.Гуламова, У.Н.Насириллаев, Р.К.Қурбанов, А.Б.Якубов, С.С.Леженко, Е.А.Ларькина, А.М.Сафонова, Г.В.Приезжевлар томонидан чуқур илмий изланишлар олиб борилган.

Шунингдек, тут ипак курти генетикаси ва селекцияси ривожланган хориж мамлакатларида М.И.Стоцкий, Y.Tadzima, В.А.Усенко, Л.М.Акименко, Y.Banno К.Р.Arinkumar, M.Esfandiari, Чинь Нгок Лан, М.Е.Браславский каби олимлар томонидан ипак куртининг ҳаётчанлиги ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини яхшилашга, ҳамда оддий ва мураккаб дурагайлар яратишга оид илмий-тадқиқотлар олиб борилган ва ижобий натижаларга эришилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда тайёрланаётган дурагай уруғларнинг дурагайлик даражаси ва айрим маҳсулдорлик, технологик кўрсаткичлари хориж дурагайларига нисбатан паст даражада сақланиб қолмоқда. Ушбу муаммодан келиб чиқиб, тут ипак куртининг тоза саноатбоп дурагайларини яратишда партеногенетик клонлардан фойдаланишни асослаш илмий-амалий жиҳатдан долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ипакчилик илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №КХА-8-011 “Тут ипак куртининг партеноклонлари ва яхшиланган зот компонентларини жалб этиш билан 100% ли тоза саноатбоп дурагайларини яратиш” (2015-2017 йй.) ва №Ф-А-2018-014 “Ўзбекистонда тут ипак курти зотларини алмаштириш мақсадида, жаҳон генофондидаги юқори даражали маҳсулдор зотларни чатиштириш йўли орқали тут ипак куртларини саноатбоп дурагайларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** тут ипак куртининг жинси бўйича нишонланган ва нишонланмаган зотлари эркак капалаклари билан

партеногенетик урғочи капалакларни чатиштириш асосида янги замонавий усулда тоза саноатбоп дурагай уруғ тайёрлашни асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тут ипак қуртининг жинси тухум босқичида нишонланган С-14, қурт босқичида нишонланган МГ ва Я-120 зотларининг ҳаётчанлик ва ипакчанлик потенциаллини ошириш;

юқори ҳаётчанликка эга 9ПК ва АПК амейотик партеноклон авлодларини олиш ва кўпайтириш;

партеногенетик клонлар ва жинси бўйича нишонланган ҳамда нишонланмаган зотлар иштирокида клон-зот дурагайларини яратиш;

яратилган дурагайларнинг биологик ва хўжалик белгилари кўрсаткичларини аниқлаш;

тут ипак қуртининг юқори гетерозисли клон-зот дурагайлари иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон шароитида тут ипак қуртининг *Bombyx mori* L. турига мансуб жаҳон коллекциясидаги жинси бўйича нишонланган ва нишонланмаган зотлари, партеногенетик клонлари ва уларнинг дурагайлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, тут ипак қуртининг партеноклонлари, тизим, зотлари ва уларнинг дурагайларини ҳаётчанлик, ипакчанлик кўрсаткичлари ҳамда асосий репродуктив, биологик ва технологик кўрсаткичларини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий тадқиқотларни бажаришда “Тут ипак қуртининг оқ пиллали қуртларини боқиш гигротермик режимлари” услубиётдан, партеногенезнинг Б.Л.Астауров усулидан, тизим, зотлар ва дурагайларнинг кўрсаткичларини таҳлил қилишда биологик статистика усулларидан, селекция ишларида аналитик ва синтетик селекция усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

тут ипак қуртининг генетик коллекциясидаги партеногенетик клонлар ва зотларнинг эмбрионал ривожланиш ва вояга етиш давридаги ҳаётчанлиги, пилла маҳсулдорлиги кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш асосида селекцион материални даражалаш услуби ишлаб чиқилган;

урғочи жинсли изоген амейотик янги партеноклонлар иштирокида юқори гетерозисли клон-зот  $F_1$  дурагайлар олиш мумкинлиги исботланган;

илк бор ипак толасининг сифат кўрсаткичлари юқори бўлган 9ПК, АПК партеногенетик клонларидан фойдаланиб, клон-зот дурагай комбинацияларини яратиш мумкинлиги исботланган;

биринчи марта оталик компонент сифатида тут ипак қуртининг тухум босқичида жинси нишонланган (С-14), личинкалик даврида жинси маркерланган (МГ) ва ингичка ипак толали (Я-120) зотларидан фойдаланиб, клон-зотли дурагай комбинациялари олинган;

“Тут ипак қуртининг жаҳон коллекцияси” дан танлаб олинган жинси морфологик белгилари бўйича нишонланган 2 та зоти ва ингичка ипак

толали, қўш жинсли Я-120 зотларининг юқори ҳаётчанлик ва ипакчанлик потенциалига эга популяцияси ажратиб олинган;

дурагайлаш жараёнида констант белгилари, қатъий урғочи жинсга эга партеноклонлардан фойдаланиш асосида 100% дурагай авлод олиш имкониятлари исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

республикамиздаги уруғчилик корхоналари учун дурагайлик даражаси 100% бўлган саноат клон-зот дурагайлари яратилган;

клон-зот дурагайлари оналик компонентларининг (С-14, Я-120 зотлари) ҳаётчанлик ва ипакчанлик кўрсаткичлари ишлаб чиқариш талаблари даражасига етказилган;

партеногенетик клонларнинг кейинги генерациясини олиш ва уларни кўпайтириш усули ишлаб чиқилган;

тут ипак қуртининг пилла ҳосилдорлигини кескин оширишга саноатбоп клон-зот дурагайлари яратиш орқали эришилган ва уларни наслчилик станциялари, уруғчилик корхоналарида жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотлар замонавий воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, диссертация иши тадқиқот натижаларига Ипакчилик илмий-тадқиқот институти апробация комиссияси томонидан ижобий баҳо берилганлиги, барча олинган рақамли маълумотларга биометрик ишлов берилганлиги ва тажриба натижаларининг ишончлилиги даражаси ҳисоблаб чиқилганлиги, жорий қилиш тадбирлари далолатномалар билан тасдиқланганлиги ва тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жинси ва турли морфо-хўжалик белгилари констант бўлган урғочи партеноклонлар ва жинси тухум ранги ва қурт туси бўйича нишонланган зотлар ўртасида юқори ҳаётчанлик ва пилла маҳсулдорлик кўрсаткичларига эга  $F_1$  дурагай авлод олинган ҳамда генетик констант генотипли урғочи амейотик партеноклонлардан дурагайлашда фойдаланиш, дурагай олиш ишларини енгилаштириб, элита уруғларини кўпайтириш жараёнида катта ҳажмдаги селекция ишларига бўлган эҳтиёжни бартараф этиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти партеноклонларни кўпайтириш ва дурагайлаш учун компонент зотларни насли уруғчилик станцияларининг оилалар питомниги, суперэлита ва элита босқичларида селекция самарасини ошириши ҳамда яратилган саноатбоп дурагайлардан пиллачилик кластерлари ва фермер хўжаликларида юқори пилла ҳосили олиш имкониятлари ҳамда юқори ҳаётчанлик, бир хил ривожланиш, бир хил калибрли пиллалар бериш хусусиятига эга “Саёҳат 1” ва “Саёҳат 2” клон-зот дурагайлари яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тут ипак қуртининг тоза саноатбоп дурагайлари яратишда партеногенетик клонлардан фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:



яратилган тут ипак куртининг АПК х МГ клон-зотли саноат дурагайининг 5 кути куртлари Қашқадарё вилояти Касби туманининг “Очилов Сарварбек Холхўжаевич” фермер хўжалигида жорий этилган (“Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг 2020 йил 20 октябрдаги 3-1/2111-сон маълумотномаси). Натижада жорий қилинган дурагайининг ҳар бир кути ҳисобидан ўртача 8,0 кг қўшимча тирик пилла олиниб, иқтисодий самарадорлик 136000 сўмни, соф фойда 23000 сўмни ва рентабеллик даражаси 22% ни ташкил этган;

яратилган тут ипак куртининг 9ПК х Я-120 саноат дурагайининг 5 кути куртлари Самарқанд вилояти “Самарқанд-ипак-курти-наслчилик” МЧЖ да жорий қилинган (“Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг 2020 йил 20 октябрдаги 3-1/2111-сон маълумотномаси). Натижада парваришланган бир кути курт ҳисобидан 7,5 кг сифатли қўшимча тирик пилла етиштиришга эришилган. 1 кути куртдан олинган иқтисодий самарадорлик 127500 сўмни, соф фойда 20520 сўмни ташкил этган, рентабеллик даражаси 20,9% га ошган;

яратилган тут ипак куртининг АПК х С-14 дурагайининг 5 кути куртлари Сирдарё вилояти Сайхунобод туманининг “Қурама” фермер хўжалигида жорий этилган (“Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг 2020 йил 20 октябрдаги 3-1/2111-сон маълумотномаси). Натижада боқилган 5 кути куртнинг ҳар бир қутисидан 6,7 кг қўшимча саноат пилласи олиниб, бир қутидан олинган иқтисодий самарадорлик 113600 сўмни, соф фойда 21440 сўмни ва рентабеллик даражаси 25,4% ни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган. 1 та тавсиянома 6 та тезис чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги, зарурияти асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот материал ва услубиётлари ёритилган, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиниши,

нашр этилиши ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи боби тўртта бўлимдан иборат бўлиб, тут ипак курти партеноклонлари ва улардан дурагайлашда фойдаланиш, тут ипак куртининг жинси бўйича нишонланган зот ва партеногенетик клонларидан дурагайлашда фойдаланиш, тут ипак курти селекциясининг назарий асослари ва дурагайлик қуввати гетерозисдан тут ипак куртининг клон-зотли дурагайларида фойдаланишга оид маҳаллий ва ҳориж тадқиқотчиларининг илмий ишлари таҳлил қилинган. Мавзуга оид кўплаб муаллифларнинг илмий-тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, саноат дурагайлари олишда оналик сифатида партеногенетик клонлардан фойдаланиш йўналишида илмий изланишлар олиб борилиши, келажакда илмий-амалий жиҳатдан катта самара бериши ҳақида хулоса қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва услубиётлари»** деб номланган иккинчи бобида тажрибаларда фойдаланилган тут ипак куртининг партеноклон, зот, тизим ва дурагайларининг асосий белги ва хусусиятлари тавсифи келтирилган.

Тадқиқотлар Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг “Тут ипак курти генетикаси ва селекцияси” лабораториясида 2015-2020 йиллар мобайнида олиб борилди.

Диссертацияда қуйидаги услублардан фойдаланилди:

ҳаётчанлиги ва ипакчанлиги яхши партеногенетик клонларни яратиш ва танлаш услубиёти;

тут ипак курти партеногенетик клонларини тухум жонланиши, куртлар ҳаётчанлиги ва пилла ипакчанлиги бўйича даражалаш услубиёти;

дурагайлашда фойдаланилган компонент зотлар билан олиб борилган селекция наслчилиги ишлари услубиёти;

тут ипак курти компонент зотларнинг тухум жонланиши, курт ҳаётчанлиги ва пилла ипакчанлиги бўйича даражалаш услубиёти;

партеноклонлар, зотлар ва дурагайларнинг куртлари ва капалагининг ҳаракат фаоллиги бўйича танлаш услубиёти.

Партеноклонларни фаоллаштириш Б.Л.Астауров услубига кўра 1-5-10 дона капалаклардан олинган оталанмаган тухумларга 46<sup>0</sup>С даражадаги иссиқ сувда 18 дақиқа ишлов бериб, уларни 3 сутка мобайнида ҳарорати 16-17<sup>0</sup>С ва намлиги 90-95 % бўлган махсус хонада сақлаш, сўнгра тут ипак куртининг оқ пиллалари зотларини сақлаш учун қабул қилинган меъёрий ҳароратда сақлаш билан олиб борилди.

Диссертациянинг **«Ҳаётчанлиги ва ипакчанлиги юқори бўлган 2 та партеногенетик клонларни кўпайтириш ва уларни уруғларини тайёрлаш (репродукция)»** деб номланган учинчи бобида партеногенетик клонларни биологик кўрсаткичлари аниқланган. Ипакчанлиги 18,0-21,3% га тенг бўлган пиллалар, асосан урғочи жинсларга хос бўлиб, клонлар эса, маълумки фақат урғочи жинслардан иборат. 6 йил ўтказилган барча тадқиқотлар натижасида биологик кўрсаткичларнинг жуда ҳам юқори

эмаслиги партеногенетик клонларнинг бир хиллигидан далолат беради. Бу кўрсаткичларни ўзгармас, яъни, деярли бир хил бўлиши селекция ишларини сезиларли даражада осонлаштиради. Биринчи партеногенетик генерациядан бошлаб констант генотипик стабиллик юзага келиши сабабли танлаш имконияти йўқолади. Лекин, ижобий кўрсаткичли партеноклонларни ҳам айрим ҳолларда хусусиятларини маълум даражага етказишга (баъзи кўрсаткичларини яхшилашга) тўғри келади. Шулардан келиб чиқиб, саноат ипакчилигида партеногенетик дурагайлардан фойдаланиш бир қанча муҳим афзалликларни ўз ичига олади.

Ипакчилик илмий-тадқиқот институти тут ипак курти жаҳон коллекциясида сақланиб келинаётган 6 та бир жинсли партеногенетик клонлар кўриб чиқилди. Тадқиқотлар давомида партеногенетик клонларнинг биологик кўрсаткичлари (тухумнинг жонланиши, куртнинг ҳаётчанлиги ва пилланинг ипакчанлиги) даражаланди. Бунинг учун барча клонларнинг асосий кўрсаткичлари йиғилди ва қиёсланди.

Клонларни даражалаш ёки уларни эгаллаган ўринларини, яъни даражаларини аниқлаш, ҳар бир баҳоланаётган белгилар бўйича алоҳида-алоҳида ўтказилди. Сўнгра балларнинг минимал йиғиндиси бўйича, энг яхши ўринларни эгаллаган зотларнинг рўйхати тузилди. Тажрибамиз натижасида олинган маълумотлар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

#### 1-жадвал

#### Коллекция партеноклонларининг биологик кўрсаткичларини даражалаш натижалари (2015 й.)


| № | Бир жинсли она клонларнинг номи | Тухумнинг жонланиши, % |          | Куртнинг ҳаётчанлиги, % |          | Пилланинг ипакчанлиги, % |          | Баллар йиғиндиси | Балларнинг минимал йиғиндисига кўра эгаллаган ўрни |
|---|---------------------------------|------------------------|----------|-------------------------|----------|--------------------------|----------|------------------|--|
|   |                                 | %                      | даражаси | %                       | даражаси | %                        | даражаси |                  |  |
| 1 | ♀♀29ПК                          | 72,8                   | 3        | 86,3                    | 1        | 15,0                     | 5        | 9                | 4  |
| 2 | ♀♀113ПК                         | 80,0                   | 2        | 70,1                    | 2        | 15,2                     | 5        | 9                | 4  |
| 3 | ♀♀9ПК                           | 90,0                   | 1        | 84,5                    | 1        | 19,5                     | 3        | 5                | 1  |
| 4 | ♀♀АПК                           | 85,0                   | 2        | 80,3                    | 1        | 20,3                     | 2        | 5                | 1  |
| 5 | ♀♀153ПК                         | 81,3                   | 2        | 79,8                    | 2        | 18,9                     | 4        | 8                | 3  |
| 6 | ♀♀5140ПК                        | 67,8                   | 4        | 77,1                    | 2        | 21,2                     | 1        | 7                | 2  |

1-жадвалдан кўришиб турибдики, тухумнинг жонланиши бўйича биринчи ўринни 9ПК партеноклони, иккинчи ўринни ♀♀113ПК, ♀♀АПК, ♀♀153ПК партеноклонлари, учинчи даражани ♀♀29ПК партеноклони ва тўртинчи ўринни ♀♀5140ПК партеноклони эгаллади. Куртнинг ҳаётчанлиги бўйича биринчи ўринни ♀♀29ПК, ♀♀9ПК, ♀♀АПК партеноклонлари ва иккинчи ўринни ♀♀113ПК, ♀♀153ПК, ♀♀5140ПК партеноклонлари эгаллашди. Пилланинг ипакчанлиги бўйича биринчи даражани ♀♀5140ПК партеноклонлар, иккинчи даражани ♀♀АПК партеноклонлар, учинчи

даражани ♀♀9ПК партеноклонлар, тўртинчи ўринни ♀♀153ПК партеноклонлар ва бешинчи ўринни ♀♀29ПК ва ♀♀113ПК партеноклонлари эгаллади. Энг кичик баллар йиғиндиси ва шунга мувофиқ равишда энг яхши биологик кўрсаткичлар йиғиндиси бўйича биринчи ўринни ♀♀9ПК ва ♀♀АПК партеноклонлари, иккинчи ўринни ♀♀5140ПК партенклони, учинчи ўринни ♀♀153ПК партеноклони ва тўртинчи ўринни ♀♀29ПК, ♀♀113ПК партеноклонлар эгаллади.

Ушбу таққослаш натижасида ипак қуртининг турли генотипга эга партеноклонлари тухумлар жонланиши, қуртлар ҳаётчанлиги ҳамда тирик пиллалар ипакчанлиги каби энг муҳим миқдор белгилари аниқланиши билан бирга юқори даражали партеногенетик клонлар ажратиб олинишига эришилди. Бу натижалар албатта селекцион материалдан дурагайлашда оқилона фойдаланиш имконини яратади.

Партеноклонларнинг эгаллаган ўринларини янада аниқ намоёйиш этиш учун натижаларни график кўринишини келтирамиз (1-расм).



**1-расм. Партеноклонларни маҳсулдорлик белгилари бўйича даражалаш натижалари.**

♀♀9ПК, ♀♀АПК партеноклонлари биологик кўрсаткичлари юқори даражада бўлиши билан ажралиб турди. Бир жинсли партеногенетик қуртлар бир-бирига эгизаклар сингари ўхшаш бўлади (2-расм).



**2-расм. Тут ипак қуртининг ♀♀9ПК партеноклон қуртлари.**

♀♀АПК ва ♀♀9ПК бир жинсли партеногенетик урғочи клонлар 2015, 2016, 2017, 2018, 2019, 2020 йилларда тухумлари жонлантирилиб 8 қайтарилишда 220 тадан санаб олиниб лаборатория шароитида боқилди. Бу вақт давомида, йиллар бўйича олинган биологик кўрсаткичлар орасидаги фарқ сезиларли даражада кузатилмади. Шунинг учун 2-жадвалда ва 3-расмда 2018-2020 йилларда олинган охирги натижалар келтирилган.


## 2-жадвал

### Партеногенетик клонларнинг биологик кўрсаткичлари (2018-2020 йй.)

| Партеноклонлар          | Йиллар | Қуртлар ҳаётчанлиги, %    |            | Пилла оғирлиги, г         |            | Қобик оғирлиги, мг        |            | Ипакчанлик, %             |            |
|-------------------------|--------|---------------------------|------------|---------------------------|------------|---------------------------|------------|---------------------------|------------|
|                         |        | $\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$ | $C_v$      | $\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$ | $C_v$      | $\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$ | $C_v$      | $\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$ | $C_v$      |
| ♀♀АПК                   | 2018   | 90,3±2,3                  | 6,5        | 1,44±0,05                 | 2,8        | 285±8,1                   | 5,3        | 19,7±0,5                  | 4,2        |
|                         | 2019   | 91,1±4,7                  | 7,3        | 1,49±0,03                 | 4,1        | 310±6,9                   | 5,9        | 20,8±0,6                  | 2,2        |
|                         | 2020   | 94,8±3,1                  | 8,1        | 1,50±0,04                 | 3,4        | 315±5,8                   | 4,9        | 21,0±0,3                  | 4,3        |
|                         | ўртача | <b>92,1±3,3</b>           | <b>7,3</b> | <b>1,47±0,04</b>          | <b>3,4</b> | <b>303±6,9</b>            | <b>5,3</b> | <b>20,5±0,5</b>           | <b>3,5</b> |
| ♀♀9ПК                   | 2018   | 85,7±2,1                  | 7,2        | 1,45±0,02                 | 3,7        | 300±7,9                   | 4,8        | 20,7±0,4                  | 5,4        |
|                         | 2019   | 92,2±2,8                  | 9,9        | 1,62±0,04                 | 4,6        | 322±6,7                   | 4,7        | 19,8±0,2                  | 5,8        |
|                         | 2020   | 94,1±3,0                  | 3,1        | 1,49±0,03                 | 3,8        | 300±7,3                   | 5,5        | 20,1±0,3                  | 3,4        |
|                         | ўртача | <b>90,6±2,6</b>           | <b>6,7</b> | <b>1,52±0,03</b>          | <b>4,0</b> | <b>307±7,3</b>            | <b>5</b>   | <b>20,2±0,3</b>           | <b>4,8</b> |
| ♀♀ Ипакчи 2 (қиёсловчи) | 2018   | 90,3±4,3                  | 9,1        | 1,51±0,06                 | 7,9        | 290±8,9                   | 6,2        | 19,2±0,8                  | 7,2        |
|                         | 2019   | 85,7±4,7                  | 8,9        | 1,39±0,04                 | 3,5        | 260±7,5                   | 5,8        | 18,7±0,6                  | 4,9        |
|                         | 2020   | 91,1±3,3                  | 9,9        | 1,49±0,05                 | 6,5        | 310±6,2                   | 6,3        | 20,8±0,4                  | 5,9        |
|                         | ўртача | <b>89,0±4,1</b>           | <b>9,3</b> | <b>1,46±0,05</b>          | <b>5,9</b> | <b>287±7,5</b>            | <b>6,1</b> | <b>19,5±0,6</b>           | <b>6,0</b> |

2-жадвалда келтирилган маълумотларнинг уч йиллик таҳлилига кўра ♀♀АПК қуртлар ҳаётчанлиги ўртача 92,1%, пилла оғирлиги 1,47 г, қобик оғирлиги 303 мг ва ипакчанлиги 20,5% ни ташкил этди. ♀♀9ПК қуртлар ҳаётчанлиги ўртача 90,6%, пилла оғирлиги 1,52 г, қобик оғирлиги 307 мг ва ипакчанлиги 20,2% ни ташкил этди. ♀♀ Ипакчи 2 қиёсловчида қуртлар ҳаётчанлиги ўртача 89,0%, пилла оғирлиги 1,46 г, қобик оғирлиги 287 мг ва ипакчанлиги 19,5% ни ташкил этди. Натижалардан кўриниб турибдики, тажрибамиздаги партеноклонлар биологик кўрсаткичлари бўйича қиёсловчига нисбатан юқори бўлди. Ҳар бир партеногенетик қуртлар ва пиллар бир хил шаклда бўлди. Ишлаб чиқаришда бундай бир хиллик селекция жараёнларини сезиларли даражада осонлаштиради.

Клонлар фақат урғочи жинслардан иборат бўлгани учун, куруқ пилла вазни ва ипак маҳсулотлари чиқиши аралаш жинсли зотлардан биров фарқ қилади. Жумладан, ♀♀АПК клонида битта куруқ пилла вазни 0,627-0,717 г, ипак маҳсулотлари чиқиши 46,12-49,01% га тенг, ♀♀9ПК да эса бу кўрсаткичлар мос равишда 0,651-0,799 г ва ипак маҳсулотлари чиқиши 46,26-49,85% ни ташкил этади. Назорат учун боқилган ♀♀Ипакчи 2 зотининг пиллаларининг технологик кўрсаткичлари тажриба партеноклонлардан фарқ қилиши кузатилди. Партеногенетик клонларнинг ипак толаси метрик рақами бўйича кўрсаткичлари 3-расмда келтирилган.



### 3-расм. Партеноклонлар ипак толасининг метрик рақами.


3-расмда келтирилган уч йиллик маълумотларга қараганда, ипак толасининг метрик номери бўйича бир-бирига яқин кўрсаткичлар олиниши, ушбу партеноклонлар популяциясида селекцион танлашга деярли эҳтиёж йўқлигини кўрсатди.

Диссертациянинг «Тут ипак қуртининг клон-зот дурагайларини яратиш учун оталик сифатида фойдаланиладиган компонент МГ, Я-120, С-14 зотларининг маҳсулдорлигини ошириш услубиятини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида клон-зот дурагайларининг ипакчанлиги 22-23 фоиз оралиғида бўлиши учун партеноклонлар пилласининг ипакчанлиги 18-19%, компонент-зотлар пилласининг ипакчанлиги эса 24-25% бўлиши керак. Клонларнинг қимматли хўжалик кўрсаткичлари авлоддан-авлодга ўзгармасдан ирсийланиши сабабли, биринчи партеногенетик генерациядан бошлаб генотипда ўзгарувчанлик деярли кузатилмади. Натижада танлаш имкониятига зарурат қолмади. Демак, селекцион танлаш усули билан популяцияни яхшилашни фақат оталик компонент зотларда ўтказиш мумкин. Шунинг учун юқори маҳсулдор зотларни танлаш ва уларда селекция ишларини ўтказиш асосий мақсад қилиб олинди.

Ноёб объектнинг 1-йўналиши тут ипак қуртининг жаҳон коллекциясида барча зотларни ушлаб туриш ва сақлаш учун, улар ҳар йили боқилади ва парвариш қилинади. Коллекцияда 120 дан ортиқ зотлар бўлиб, улар Ўзбекистонда яратилган, ҳамда Хитой, Япония, Европа давлатлари, Грузия, Озарбайжон ва Россиядан келтирилган.

Тажрибамизда коллекция зотлари ичидан 77 зотнинг ҳар бирига биологик кўрсаткичлари бўйича баллар берилиб даражаланди. Ушбу зотларнинг ҳар бири ҳар хил кўрсаткичларга эга бўлиб, бир-биридан тубдан фарқ қилди. Бизнинг тадқиқотларимиздан асосий мақсад урғочи партеноклонлар учун оталик сифатида фойдаланиладиган компонент зотлар

ичидан биологик кўрсаткичлари юқори зотларни танлаб олиш ҳисобланади. Партеноклонлар урғочи ♀♀ жинсли бўлиб, онасининг кейинги авлодини тўла тўкис такроролайди. Шунинг учун биз 77 зот ичидан тухумнинг жонланиши, қуртнинг ҳаётчанлиги, бўйича энг юқори ўринни эгаллаган 11 та зотларни танлаб олдик. 11 зот ичидан юқори 3 даражани эгаллаган тухумлик даврида нишонланган С-14, қурт босқичида нишонланган МГ зоти ва нишонланмаган Я-120 зотларини компонент сифатида фойдаланиш учун танлаб олинди. Тажрибамиз натижасида олинган маълумотлар қуйидаги 4-расмда келтирилган.



4-расм. Зотларнинг биологик кўрсаткичлари бўйича даражаланиши.

### 3-жадвал

Юқори даражадаги коллекция зотларининг асосий биологик ва технологик кўрсаткичлари (2015 й.)


| №  | Эгаллаган ўрни | Зотлар номи | Келиб чиқиши | Тухумнинг жонланиши, % | Қуртнинг ҳаётчанлиги, % | Вазни    |           | Ипакчанлиги, % | Толанинг метрик рақами, м/г | Чувалиши, % | ИТУЧУ, м |
|----|----------------|-------------|--------------|------------------------|-------------------------|----------|-----------|----------------|-----------------------------|-------------|----------|
|    |                |             |              |                        |                         | пилла, г | қобик, мг |                |                             |             |          |
| 1  | 1              | Я-120       | ИИТИ         | 97,0                   | 98,6                    | 1,48     | 355       | 24,0           | 3703                        | 90,63       | 1200     |
| 2  | 2              | С-14        | ИИТИ         | 96,0                   | 96,0                    | 1,46     | 341       | 23,4           | 3268                        | 87,06       | 1208     |
| 3  | 3              | МГ          | ИИТИ         | 96,8                   | 95,6                    | 1,57     | 350       | 22,2           | 4000                        | 89,08       | 1258     |
| 4  | 4              | АГУ112      | ИИТИ         | 97,0                   | 95,8                    | 1,59     | 329       | 20,4           | 3327                        | 87,91       | 703      |
| 5  | 5              | УзНИИШ 9    | ИИТИ         | 95,2                   | 94,5                    | 1,49     | 332       | 22,3           | 3594                        | 89,22       | 880      |
| 6  | 6              | Меченная 2, | ИИТИ         | 96,6                   | 92,5                    | 1,55     | 349       | 22,5           | 3385                        | 87,53       | 839      |
| 7  | 6              | САНИИШ 9    | ИИТИ         | 96,0                   | 93,6                    | 1,52     | 348       | 21,5           | 3394                        | 85,40       | 627      |
| 8  | 7              | Иверия      | Кавказ       | 95,6                   | 92,4                    | 1,56     | 331       | 21,2           | 3798                        | 85,87       | 616      |
| 9  | 8              | «И»         | Озар-н       | 94,7                   | 95,1                    | 1,49     | 270       | 18,1           | 3465                        | 80,23       | 556      |
| 10 | 8              | САНИИШ 25м  | ИИТИ         | 92,3                   | 95,9                    | 1,71     | 346       | 20,2           | 3673                        | 88,27       | 687      |
| 11 | 8              | С-12        | ИИТИ         | 96,1                   | 88,5                    | 1,53     | 362       | 23,            | 3412                        | 86,92       | 780      |



3-жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, кўрсатилган ипак курти зотлари пилла толасининг метрик номери 3268 м/г дан 3703 м/г гача, чувалиши 80,23% дан 90,63 % гача оралиғида. Юқори биологик кўрсаткичларга эга бўлган янги тизимларни партеногенетик клонлар билан дурагайлаш учун Я-120, С-14 ва МГ зотлари танлаб олинди. Уччала зотнинг биологик кўрсаткичлари юқори бўлиб, уларнинг уруғлари жонланиши (96,0-97,0 %), қуртларнинг яшовчанлиги (95,6-98,6 %), пилласининг ипакчанлиги (22,2-24,0 %) кўрсаткичлари билан ажралиб туради. Бундан ташқари улар ўрта пиллалар зотлар (1,46-1,57 г) гуруҳига киради.

Диссертациянинг «Тут ипак куртининг клон-зотли дурагайларини яратишнинг илмий асослари» деб номланган бешинчи бобида янги клон-зотли дурагайлар олиш бўйича тадқиқот натижалари баён этилган. Тут ипак куртининг дурагай тухумларини тайёрлаш учун бир зотнинг эркак капалаклари иккинчи зот урғочи капалаклари билан чатиштирилади. Бунинг учун даставвал капалаклар учиб чиқмасдан олдин пиллаларни жинси бўйича ажратиб олиш керак бўлади. Бу вазифани техник жиҳатдан бажариш жуда қийин бўлиб, катта миқдордаги насли пиллаларни жинси бўйича аниқ ажратиш талаб этилади.

Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг тут ипак курти коллекциясидаги жинси бўйича нишонланган ва нишонланмаган зотлардан оталик компонент сифатида, партеноклонлардан эса оналик зот сифатида тоза дурагайлар тайёрлашда фойдаланиш, 100% дурагайликка эга саноат дурагайлари яратиш имконини беради. Партеноклон урғочи жинси ва оддий зот эркак жинси билан олинган  $F_1$  дурагайи, оддий дурагайларга нисбатан юқори чидамлилиги ва бошқа барча кўрсаткичларининг юқорилиги билан фарқ қилади. Бунга сабаб, дурагайлашда қатнашаётган барча урғочи индивидлар, айнан генетик нусхалардир. Оналик зотлар генотипи ҳар авлодда ўзгармай қолаверади. Шунинг учун саноат дурагайлари йилдан-йилга қимматли хўжалик белгилари бўйича ҳам, гетерозис бўйича ҳам барқарор бўлиб ўзгармайди. Тадқиқотларимиз давомида ♀♀АПК ва ♀♀9ПК клонларнинг урғочи капалаклари, пилла вазни бўйича яхши бўлган, тухум босқичида нишонланган С-14, қурт босқичида нишонланган МГ ва жинси нишонланмаган Я-120 зотларининг эркак капалаклари билан чатиштирилди. Бу чатиштириш қуйидаги схема бўйича амалга оширилди:



Клон-зотли дурагай тухумларни қишлоғга қўйишдан аввал тухум қуймалари таҳлилдан ўтказилди. Тухумларни санаш ва тарозида тортиш йўли билан қуймадаги тухумлар сони ва вазни аниқланди.

Тухумлар сони кам ва бунинг акси, физиологик чиқитлар фоизи кўп бўлган тухум қуймалари тажрибалардан чиқарилди. Тухум қўймаси вазни юқори аниқликда ўлчайдиган тарозида тортилди ва қуймаларни танлашда ҳисобга олинди.



Тут ипак курти клон-зот дурагайларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари жумладан, капалак қўйган ўртача тухумлар сони, ўртача тухумлар вазни ва бир дона тухум вазни бўйича уч йиллик кўрсаткичлар келтирилди (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Дурагайларнинг тухум маҳсулдорлик кўрсаткичлари  
(2015-2017 йй.)**

| №                                  | Клон зотли дурагайлар | Йиллар                 | Ўртача тухумлар сони, дона | Ўртача тухумлар вазни, мг | 1 дона тухум вазни, мг |
|------------------------------------|-----------------------|------------------------|----------------------------|---------------------------|------------------------|
| 1                                  | ♀АПК х ♂МГ            | 2015                   | 570±5,8                    | 282±3,3                   | 0,495±0,003            |
|                                    |                       | 2016                   | 600±5,9                    | 287±3,8                   | 0,478±0,002            |
|                                    |                       | 2017                   | 631±3,9                    | 315±3,0                   | 0,499±0,002            |
|                                    |                       | $\bar{X} \pm S\bar{x}$ | <b>600±4,2</b>             | <b>295±3,4</b>            | <b>0,491±0,002</b>     |
|                                    |                       | Қиёсл.нис.,%           | <b>103,2</b>               | <b>106,8</b>              | <b>103,3</b>           |
| 2                                  | ♀АПК х ♂Я-120         | 2015                   | 580±7,2                    | 270±4,4                   | 0,466±0,003            |
|                                    |                       | 2016                   | 602±8,2                    | 291±3,6                   | 0,483±0,003            |
|                                    |                       | 2017                   | 640±3,6                    | 321±5,2                   | 0,502±0,002            |
|                                    |                       | $\bar{X} \pm S\bar{x}$ | <b>607±6,3</b>             | <b>294±4,4</b>            | <b>0,484±0,003</b>     |
|                                    |                       | Қиёсл.нис.,%           | <b>104,4</b>               | <b>106,5</b>              | <b>101,8</b>           |
| 3                                  | ♀АПК х ♂С-14          | 2015                   | 570±5,3                    | 270±3,5                   | 0,474±0,002            |
|                                    |                       | 2016                   | 580±6,2                    | 293±3,0                   | 0,505±0,001            |
|                                    |                       | 2017                   | 630±4,2                    | 300±4,0                   | 0,476±0,002            |
|                                    |                       | $\bar{X} \pm S\bar{x}$ | <b>593±5,2</b>             | <b>288±3,5</b>            | <b>0,485±0,002</b>     |
|                                    |                       | Қиёсл.нис.,%           | <b>102,0</b>               | <b>104,2</b>              | <b>102,2</b>           |
| 4                                  | ♀9ПК х ♂МГ            | 2015                   | 581±5,5                    | 270±4,3                   | 0,465±0,002            |
|                                    |                       | 2016                   | 571±6,2                    | 280±5,2                   | 0,490±0,003            |
|                                    |                       | 2017                   | 624±4,8                    | 320±3,4                   | 0,513±0,001            |
|                                    |                       | $\bar{X} \pm S\bar{x}$ | <b>592±5,5</b>             | <b>290±4,3</b>            | <b>0,489±0,002</b>     |
|                                    |                       | Қиёсл.нис.,%           | <b>101,8</b>               | <b>105,7</b>              | <b>103,1</b>           |
| 5                                  | ♀9ПК х ♂Я-120         | 2015                   | 555±6,2                    | 280±3,8                   | 0,505±0,002            |
|                                    |                       | 2016                   | 599±4,6                    | 299±2,3                   | 0,499±0,002            |
|                                    |                       | 2017                   | 640±5,9                    | 333±4,4                   | 0,520±0,001            |
|                                    |                       | $\bar{X} \pm S\bar{x}$ | <b>598±5,6</b>             | <b>304±3,5</b>            | <b>0,508±0,002</b>     |
|                                    |                       | Қиёсл.нис.,%           | <b>102,8</b>               | <b>110,1</b>              | <b>107,0</b>           |
| 6                                  | ♀9ПК х ♂С-14          | 2015                   | 540±6,9                    | 270±4,5                   | 0,500±0,003            |
|                                    |                       | 2016                   | 599±8,4                    | 280±2,8                   | 0,467±0,003            |
|                                    |                       | 2017                   | 630±5,3                    | 320±6,7                   | 0,508±0,002            |
|                                    |                       | $\bar{X} \pm S\bar{x}$ | <b>590±6,9</b>             | <b>290±4,7</b>            | <b>0,492±0,003</b>     |
|                                    |                       | Қиёсл.нис.,%           | <b>101,4</b>               | <b>105,1</b>              | <b>103,6</b>           |
| Ипакчи-1 х Ипакчи-2<br>(Қиёсловчи) |                       | 2015                   | 550±9,0                    | 260±4,8                   | 0,473±0,005            |
|                                    |                       | 2016                   | 556±7,3                    | 268±4,6                   | 0,482±0,004            |
|                                    |                       | 2017                   | 639±8,6                    | 300±5,2                   | 0,470±0,003            |
|                                    |                       | $\bar{X} \pm S\bar{x}$ | <b>582±8,3</b>             | <b>276±4,9</b>            | <b>0,475±0,004</b>     |
|                                    |                       | Қиёсл.,%               | <b>100</b>                 | <b>100</b>                | <b>100</b>             |

\*Pd=0,362-0,540-0,224-0,294-0,294-0,151

4-жадвалдан кўриниб турибдики, клон-зотли дурагайларнинг 2015-2017 йиллар давомида олинган натижалари бўйича нормал тухумлар вазни ♀АПК х ♂МГ дурагайида 282-315 мг гача, ♀АПК х ♂Я-120 дурагайида 270-321 мг гача, ♀АПК х ♂С-14 дурагайида 270-300 мг гача, ♀9ПК х ♂МГ дурагайида 270-320 мг гача, ♀9ПК х ♂Я-120 дурагайида 280-333 мг гача ва ♀9ПК х ♂С-14 дурагайида 270-320 мг гача ортган. Қиёсловчи Ипакчи 1 х Ипакчи 2 дурагайида эса, мос равишда 260-300 мг кўрсаткичлар қайд этилди.

Пилланинг маҳсулдорлик белгилари тут ипак қуртининг энг асосий хўжалик белгиларидан бири ҳисобланади. Саноат миқёсида ипак қуртининг биринчи авлод дурагайи парваришланади ва улардан саноат пилласи олинади. Саноат пилласининг сифатли, навли, турли нуксонлардан ҳоли бўлиши учун, ҳамда 1 кути қуртдан максимал даражада пилла ҳосили олиш учун энг аввало боқиладиган дурагайлар 100% дурагай қурт бўлиши ва агротехника қоидаларига тўлиқ риоя қилиб парваришланиши талаб этилади. Агар пилла вазни қанчалик оғир бўлса ва пилла ўрашга етиб келган қуртлар сони кўп бўлса, мўл пилла ҳосили олиш мумкин бўлади.

5-жадвалда клон-зот дурагайларининг йиллар бўйича биологик кўрсаткичлари келтирилган.

#### 5-жадвал

#### Клон-зот дурагайларининг йиллар бўйича биологик кўрсаткичлари

| № | Дурагайлар    | Йиллар                    | Қуртлар<br>ҳаётчан-<br>лиги, % | Ўртача вазни       |                 | Ипакчан-<br>лик, % |
|---|---------------|---------------------------|--------------------------------|--------------------|-----------------|--------------------|
|   |               |                           |                                | пилла, г           | қобик, мг       |                    |
| 1 | 2             | 3                         | 4                              | 5                  | 6               | 7                  |
| 1 | ♀АПК х ♂МГ    | 2015                      | 93,1                           | 1,59               | 355             | 22,3               |
|   |               | 2016                      | 95,7                           | 1,78               | 411             | 23,1               |
|   |               | 2017                      | 98,2                           | 1,60               | 380             | 23,7               |
|   |               | $\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$ | <b>95,7±1,5*</b>               | <b>1,66±0,06**</b> | <b>382±16,1</b> | <b>23,3±0,4***</b> |
| 2 | ♀АПК х ♂Я-120 | 2015                      | 93,5                           | 1,56               | 340             | 21,8               |
|   |               | 2016                      | 95,1                           | 1,71               | 385             | 22,5               |
|   |               | 2017                      | 94,7                           | 1,64               | 380             | 23,2               |
|   |               | $\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$ | <b>94,4±0,4</b>                | <b>1,65±0,04**</b> | <b>368±14,2</b> | <b>22,5±0,4***</b> |
| 3 | ♀АПК х ♂С-14  | 2015                      | 94,8                           | 1,59               | 365             | 22,9               |
|   |               | 2016                      | 95,1                           | 1,85               | 407             | 22,0               |
|   |               | 2017                      | 94,2                           | 1,65               | 369             | 22,4               |
